

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ

Жасур Болтаев

Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Аннотация: Жамиятдаги маънавий янгиланишлар ҳар бир инсонни қалбан-руҳан эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Бу йўлда миллий ғоя, миллий маънавият ҳар бир халқнинг амалий дастурига айланади. Бирлашган жамият юксак метин қоядек собит туради, бирлашолмаган жамият қумдай сочилиб кетиши мумкин. Ҳар бир мамлакатни, аввало, бирлашган фидойилар юксалтиради. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда ижтимоий маънавий муҳитни янада яхшилаш том маънода янги босқичга кўтаришда изчил амалий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот ишида шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар аниқ факт ва рақамларда таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маънавият, ижтимоий муҳит, ахборот макони, тарбия

Абстрактный: Духовное обновление общества служит объединению всех в духе благих целей. Таким образом, национальная идея, национальная духовность становятся практической программой каждого народа. Единое общество стоит твердо, как высокая скала, а разобщенное общество может рассыпаться, как песок. Каждая страна возвышается над всеми объединенными преданными. В связи с этим ведется последовательная практическая работа по буквальному поднятию на новый уровень социальной и духовной среды в нашей стране. В данной исследовательской работе реформы, реализованные в нашей стране в последние годы, анализируются на конкретных фактах и цифрах.

Ключевые слова: духовность, социальная среда, информационное пространство, образование.

Abstract: Spiritual renewal of society serves to unite all in the spirit of good goals. Thus, the national idea, national spirituality become the practical program of each nation. A united society stands firm, like a high rock, and a disunited society can crumble like sand. Each country rises above all united devotees. In this regard, consistent practical work is being carried out to literally raise the social and spiritual environment in our country to a new level. In this research work, the reforms implemented in our country in recent years are analyzed using specific facts and figures.

Keywords: spirituality, social environment, information space, education.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Ш.Миризийев 2023 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида

жамият тараққиёти, миллат ва мамлакат ривожда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шу маънода қайд этиш керакки, собит ғоялар, қарашлар, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний меъёрлар, инсонга жамият томонидан қўйиладиган бошқа мафкуравий талаблар ижтимоий-маънавий муҳитни ташкил қилади. Маънавиятнинг моҳиятини “маънавий муҳит” тушунчасисиз теран англаб олиш мушкул. Маънавий муҳит шахсни ҳам, бутун авлодни ҳам муайян йўналишда тарбиялайди, ижобий хислатларини юзага чиқаради, уларни номақбул таъсирлардан ҳимоя қилишга уринади. Чунки маънавий муҳит ҳар қандай ютуқлар ва кашфиётларнинг (четдан қабул қилинганларининг ҳам) тақдирини белгилайди: ё ривожлантиради, ё унутилишга маҳкум этади ёки деформация қилиб, ўзига мослаштиради.

Ижтимоий муҳит маънавиятнинг энг умумлашган узлуксизлик шакли, маданият эса узлукли (дискрет) шаклидир.

Маънавий муҳит сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумга, бошқарув режимига боғлиқ. Агар сиёсий тузум, бошқарув усуллари зўравонликка асосланса, жамиятда одамлар, ташкилотлар фаолияти устидан ёппасига мафкуравий назорат ўрнатилади. Бир мафкуранинг ҳукмронлиги қарор топади. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий эркинлик йўқлиги шахс камолоти ва жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ва, аксинча, жамиятда эркинлик ва демократик бошқарув даражаси қанчалик баланд бўлса, маънавий муҳит шунчалик яхшиланади, унинг инсон камолоти ва жамият ривожланишига ижобий таъсири шунчалик кучаяди.

Барчага маълумки, маънавият ва маърифат барча замонларда тенгсиз кудрат, бунёдкорлик, ҳамжиҳатлик мезони, руҳий покланиш ва қалбни юксалтирувчи неъмат бўлиб келган. Чунки у миллатни, халқни, инсонларни юксак фазилатлар, камолотга етакловчи ахлоқий мезонлар асосида яшашга ундайди. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ўз “Тузуқлари”да: “...Ҳар қайсиларини (султонларнинг) йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирада сақладим ва яхши ахлоқлар, маъқул хислатларидан намуна олиб, унга амал қилдим” деган фикрни илгари сурган бўлса, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий орзу қилган комиллик йўли – бу, биринчи навбатда, етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, уларни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, миллатнинг оғирини елкага олиш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсдан баланд қўйиш бўлгани у қолдирган бой маънавий меросда ўз аксини топган.

Бирок, бугунги ахборот маконида минг йиллар давомида сайқалланиб, бойиб, ривожланиб келган юксак маънавиятимиз, боқий кадриятимиз, ахлоқий фазилатларимизга соя солаётган турли ёт таҳдидлар кўпайиб бормоқда. Кези келганда, инсон онгини ҳар қандай йўл билан эгаллаб олишга қаратилган курашлар очик – ошкора намоён бўляпти. Маънавий иммунитетни шаклланиб улгирмаган, оқни қорадан ажрата олмайдиган ёш авлод эса бундай таъсирлар гирдобига тезда тушиб қолаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Албатта, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, турли чора – тадбирлар кўриломоқда ҳам. Инчунун, 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли Президент қарори ҳар қандай ташқи деструктив хуружларга қарши туришда дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшлар қалбида Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича ягона тизим яратилди. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали, жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорлик умуммиллий ҳаракатга айланиб бораяпти.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ҳамда тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизими жорий этилди. Хусусан, 14 та ҳудудий кенгашларда жами 5483 та ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликдаги “Йўл харита”лари тасдиқланиб ижроси таъминланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, халқимиз ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллий кадрият, анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, бадиий ижод ва китобхонлик маданиятини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5039-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизда биринчи марта маънавий-маърифий соҳадаги иқтисодий масалаларни ҳал этиб, унинг молиявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди.

Шунингдек, давлат раҳбарининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-

маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди:

аввало, миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

кейингиси оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

учинчидан, тарғибот-ташвиқот ҳамда тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;

тўртинчидан, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

олтинчидан, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

еттинчидан, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Республиканинг барча вилоят ва туманларида ҳудудларда барқарор ижтимоий ва маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли онгида маънавиятни ошириш мақсадида айнан ушбу қарорда 2021-2023 йилларда шаҳар ва туманларда 195 та “Маънавият ва маърифат маскани” барпо этилиши белгиланган бўлиб, шу кунга қадар 185 та ҳудудда барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Марказ томонидан тажриба-синов асосида Андижон вилоятидаги 909 та маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида 90 кунлик иш-режа ишлаб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, айти ҳудудда 909 та маҳаллада жами 23 500 дан зиёд маънавият фидойилари, зиёлилар, собиқ мактаб директорлари ҳамда маҳаллалардаги ҳаж-

умра зиёратини адо этиб келган нуронийлардан иборат “Маънавият тарғиботчилари” гуруҳлари шакллантирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида 5-сектор сифатида “Маънавият сектори”ни ташкил қилиш, бу борада “Сурхондарё тажрибаси”ни ўрганиш вазифаси белгилаб берилди. Айни пайтда ҳар бир ҳудудда ташкил этилган секторлар жамиятдаги мавжуд муаммоларга тизимли ёндашиб, соҳадаги вазифаларни белгилаб олишда қўл келмоқда. Хусусан, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш баробарида, аҳоли кенг қатламини айниқса, ёшларни янада кўпроқ китобхонликка жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маданият-санъатга ошно қилиш, шу билан бирга миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизни оммалаштириш ҳамда халқимиз орасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтиришга кенг йўл очилмоқда.

Яна бир аҳамиятга молик ишлардан бири, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳамда Олмазор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида Олмазор туманида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган “Маънавият фестивали” доирасида самарадор 60 кунга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш тўғрисида” йиғилиш баёнига асосан “Туман маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш”га қаратилган долзарб 60 кунга мўлжалланган “Йўл харита” ишлаб чиқилди ҳамда унинг ижроси юзасидан 15 июлдан 1 августга қадар “Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” шиори остида “Инсон кадри ҳамма нарсадан улуғ” тамойили асосида “Инсон кадри”, “Маърифат тур”, “Аёл маърифатли бўлса, жамият маърифатли бўлади”, “Уч авлод учршуви”, “Китобсевар миллат”, “Миллийликда акс этган ҳаёт”, “Маҳалламнинг тадбиркори” каби лойиҳалар ва спорт-соғломлаштириш маънавий-маърифий тадбирлар, сиёсий “Маърифат соатлари” ўтказилди. Туманда ўтказилган 16 та маънавий-маърифий тадбирларда 32 та маҳаллада жами 1900 дан зиёд иштирокчи камраб олинди.

Соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли тадқиқ этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос кадриятлари, маънавий мезонларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш йўлга қўйилган. Шу аснода аҳоли орасида бирдамлик ҳамда дахлдорлик туйғуларини қарор топтиришга қаратилган амалий ишларни янги босқичга олиб чиқиш, пировардида истиқболдаги режалар белгилаб олиш мақсад қилинган.

Хусусан, айни кунга қадар ҳудудий бўлимларда Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти, маҳалла, таълим муассасаси (мактабгача таълим ташкилоти, умумтаълим мактаби, ўрта махсус ва олий таълим муассасаси), ташкилот ҳамда корхоналардаги ижтимоий маънавий муҳит, кутубхоналар, маданият маркази, истироҳат боғи, театр ва кинотеатр, маҳаллий

телерадиоканаллар, ташқи ва ички кўргазмалар тарғибот воситалари белгиланган мезонлар асосида таҳлил этилиб, керакли таклиф ва тавсиялар бериб келинмоқда.

Бунинг натижасида Қашқадарё вилоятида “Маънавий ҳимоя” лойиҳаси асосида “қизил” тоифага тушган маҳаллалар танлаб олиниб, улардаги 16 та муаммоли оилага маънавий кўмаклашиш ишлари амалга оширилган бўлса, Сирдарё вилоятида “Сирдарё тарихи улуг, бугуни гўзал, келажаги ёрқин диёр” деб номланган 3 жилддан иборат китоблар тўплами нашр қилинган ҳамда Сайхунобод туманида намунали тарзда мамлакатимиздаги илк “Маърифат боғи” ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида халқнинг миллий мероси ҳисобланган “Қара үй” (ўтов)нинг хусусияти ҳамда қурилиш жараёни, миллий мусиқа асбоблари “Қобыз”, “Дуўтар” ва “Шыңқобыз”нинг миллий-маънавий аҳамияти кенг тарғиб қилинган. Бухорода эса “Буюк алломаларимиз илмий меросида юксак инсонпарварлик ғоялари тараннуми” мазусидаги анжуман, “Аёллари эъзозланган юрт” шиори остидаги III Республика форуми, “Хўжа Насриддин Афанди” анъанавий фестивали ўтказилгани фикримиз далилидир.

Навоий вилоятида Республика миқёсида оммалашган “Навоий тажрибаси” мисолида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги мавжуд маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёшлар учун маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, ватанпарварликни акс эттирувчи кино намойишлари ташкил этиб келинмоқда. Наманганнинг Уйчи тумани мисолида Наманган тажрибасини яратиш мақсадида 2024 йил 18-20 июнь кунлари Республика ўқув-семинари ўтказилиб, унда тумандаги 56 та маҳаллада жамоатчилик асосида жорий этилган маҳалла “Маърифат” тарғиботчиларининг фаолияти намунали тарзда тарғиб қилинди.

Тошкент вилоятида хотин-қизлар ўртасида сабр-тоқат, қаноат, шукроналик, фарзанд тарбиясида оналарнинг ўрнини тарғиб қилишга қаратилган “Матонат” лойиҳаси йўлга қўйилган.

Фарғонада эса аҳоли гавжум жойларга 32 910 та ўзбек ва жаҳон адабиётлари жойлаштирилган 582 та электрон кутубхона баннерлари ўрнатилган. Вилоятда 869 та “Зиё маскани” китоб дўконлари ва 134 та “Book

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш пировард натижада мамлакат ва миллатни тараққий эттиришга замин яратувчи муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 26 март 2021 йил ПҚ-5040-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 19 январь 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектордаги маърузаси
3. Одамийлик мафкураси. // Янги Ўзбекистон, № 21 (277), 2021 йил 30 январь
4. Мирзо М. Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси умумхалқ муҳокамасида // [хтпс://уза.уз](https://uza.uz)